

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қирқ иккинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

22 июнь кун Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қирқ иккинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлади.

Унда Сенат, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идораларнинг вакиллари, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган ялпи мажлиси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Ялпи мажлис Сенатнинг YouTube тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилди.

Сенатнинг қирқ иккинчи мажлисида дастлаб "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида"ги қонун қўриб чиқилди.

Таъкидлашчи, бугунги кунга қадар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш қонун билан эмас, балки Адлия вазирлигининг буйруғи билан тасдиқланган низом асосида тартибга солинган. Бу эса, қонунчилик ҳужжатларида коррупциявий бўшлиқларнинг юзага келишига замин яратмоқда.

Маъмур қонун соҳадаги муаммоларни бартараф этиш ва уни тартибга солувчи ягона қонун сифатида ишлаб чиқилган. Қонун билан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасининг асосий принциплари белгиланмоқда.

Эндиликда коррупцияга қарши экспертизани ўтказиш нафақат Адлия вазирлиги томонидан, балки Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, юридик хизмат ходимлари ҳамда тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш ўз зиммасига юклатилган давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва оммавий ахборот воситаларига норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг жамоатчилик экспертизасини ўтказиш ҳуқуқи берилмоқда.

Эътиборли жиҳати, жамоатчилик томонидан тақдим этилган таклиф ва тавсиялар тегишли давлат органлари ва ташкилотлари томонидан мажбурий равишда қўриб чиқилади.

Коррупцияга қарши экспертизани ўтказишга оид фаолиятни услубий

жиҳатдан таъминлаш ҳамда мониторинг қилиш Адлия вазирлигига юклатилмоқда.

Сенаторлар ушбу қонун мамлакатимизда коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга, коррупциявий ҳолатларнинг олдини олишга, шунингдек, амалдаги ҳамда қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сифатининг ошишига хизмат қилишини таъкидладилар.

Муҳокама якунида қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Бундан ташқари, ялпи мажлисида "Давлат божи тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун қўриб чиқилди.

Қонун билан Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасини ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасини судларга мурожаат қилиш чоғида давлат божини тўлашдан озод этиш назарда тутилмоқда.

Амалдаги «Давлат божи тўғрисида»ги қонуннинг 8, 9 ва 10-моддаларида Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий органлари – ўз зиммасига юклатилган ваколатларига мувофиқ судлар қўриб чиқиши учун киритиладиган даъволар юзасидан давлат божини тўлашдан озод қилинган.

Бироқ Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси томонидан биринчи инстанция судларининг ҳал қилув қарорларига нисбатан бериладиган шикоятлари амалдаги қонунчиликка мувофиқ давлат божини тўлашдан озод қилинмаган деган вақлар билан юқори инстанция судлари томонидан қайтариллиши ҳолатлари юзага келмоқда.

Киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларга кўра Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳамда Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси ва унинг ҳудудий органлари томонидан фуқаролик ишлари буйича судлар, иқтисодий судлар ва маъмурий судларга даъво ариза, ариза ва шикоятлар билан мурожаат қилинганда давлат божидан озод қилиниши назарда тутилмоқда.

Сенаторлар қонуннинг қабул қилиниши давлат органларига судларга му-

рожаат қилиш учун ажратилган давлат божни тўловидан тежалган маблағларни тадбиркорликни ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларининг ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари янада ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш учун йўналтиришга хизмат қилишини таъкидладилар.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шунингдек, "Ижро ҳужжатларини ижро этмаганлик учун солинадиган маъмурий жарима миқдорини белгилаш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида"ги қонун муҳокама қилинди.

Муҳокама жараёнида қайд этилганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро қилиш механизмлари янада такомиллаштирилиб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш мақсадида ижро жараёнларини амалга оширишда аҳолига кенг қулайликлар яратилмоқда.

Амалга оширилган ишларга қарамадан, ижро ҳужжатларини ижросини таъминлашда айрим камчиликлар сақланиб қолаётганлиги, ушбу соҳада тегишли ўзгартиришлар киритиш зарурлиги сенаторлар томонидан таъкидланди.

Хусусан, ижро ҳужжати буйича қардор ундирилиши лозим бўлган қардорликни ўз вақтида тўламаса, Мажбурий ижро бюроси томонидан қардорга нисбатан маъмурий жарима қўлланилиши, ушбу жариманин миқдори эса Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига кўра фуқароларга нисбатан 300 минг сўмдан 1,5 миллион сўмгача, мансабдор шахсларга нисбатан 1,5 миллион сўмдан 3 миллион сўмгача белгилашни мумкинлиги қонунчилик билан мустаҳкамлаб қўйилган.

Сенаторлар, агар қардор томонидан тўланиши лозим бўлган қардорлик суммаси жариманин энг кам миқдоридан ҳам кам бўлса-да, қардорликка нисбатан юқори миқдордаги жарима тайинланиши ижтимоий адолат принципларининг бузилишига, бу эса қардорларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётганлигига ҳамда маъмур ҳолат табиий равишда фуқароларнинг тўлов қобилиятига салбий таъсир кўрсатаётганлигига алоҳида эътибор қаратдилар.

Мамлакатимизда техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасида тузилмавий ўзгартиришларни янада кенгайтириш, уларни халқаро стандартларга мослаштириш, стандартларни кенг қўллаш учун муҳит яратиш, шунингдек, мувофиқликни баҳолаш жараёнларига замонавий усулларни жорий этиш юзасидан тизимли чора-тадбирлар қўрилмоқда.

Моҳият

Жаҳон бозорига сифатли МАҲСУЛОТ ЧИҚАРИШ



Шу муносабат билан техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш, мувофиқликни баҳолаш қоидалари бузилишининг олдини олиш борасида содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун қўлла-надиган таъсир чораларини янада такомиллаштириш зарурияти ҳам юзага келмоқда.

Олий Мажлис Сенатининг қирқ биринчи ялпи мажлисида "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги қонун муҳокама қилинган айни шу жараёнлар билан чамбарчас боғлиқдир.

Сенаторлар томонидан маъқулланган ушбу қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга мувофиқликни баҳолаш органлари томонидан мувофиқликни баҳолаш қоидаларини техник регламентлар талабларига мувофиқ бўлмаган маҳсулот чиқарилиши ёки мувофиқликни баҳолашни амалга ошириш учун маҳсулотни тақдим этган жисмоний ёки юридик шахсга зарар етказилишига сабаб бўладиган тарзда бузганлик учун жавобгарликни белгиловчи ўзгартиришлар киритилмоқда.

(Давоми 2-бетда) ▶

Муносабат

Сайловга оид қонунбузарлик бунинг учун қандай жавобгарлик белгиланган?

Бугун халқимиз муҳим ижтимоий-сиёсий воқелик – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови олдида турибди. Шу маънода, ҳамюртларимизнинг сайловга оид билимларини мустаҳкамлаш биз, судьяларнинг зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.



Маълумки, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ҳамда Жиноят кодексларида сайлов қонунчилигини бузганлик учун маъмурий ва жиноий жа-

вобгарлик белгиланган. Буни ҳар бир сайловчи яхши билиши лозим.

(Давоми 3-бетда) ▶

Тарих тилсимлари

«Назири йўқ киши»

ёҳуд Бобур Мирзонинг Алишер Навоийга таърифи

Буюк бобокалонларимиз Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурни боғлаб турадиган жиҳатлар жуда кўп. Гарчи улар ҳаётда бир-бири билан учрашмаган бўлса-да, бир давр ва битта адабиётнинг забардаст вакиллари ҳисобланади.

(Давоми 4-бетда) ▶

Қонун қўмағи

Мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида тарихий ислохотлар қатъият билан амалга оширилаётган экан, аввало ҳар бир шахс, айниқса, раҳбар ходимлар қонун талабига риоя этишни фаолиятининг асосий мезони деб билиши шарт. Зотан, қонун устуворлиги таъминланган муҳитда ортиқча муаммага ўрин қолмайди.

Ноқонуний қарор суд тартибида бекор қилинди



Бунинг акси бўлганида, тириб чиқариши ҳеч кимга яъни қонун талабига бепи-санд муносабат бўлиш эса, турли хил муаммоларни кел-

(Давоми 2-бетда) ▶

27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини

АДОЛАТНИНГ ТАМАЛ ТОШИ

Мамлакатимизда жорий йилда 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини халқаро қўламдаги муҳим бир воқелик билан ҳамроҳанг нишонланмоқда. Бу ҳам бўлса, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 75 йиллиги тантаналаридир.

Бутун дунёда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам инсоният тарихида илк бор инсоннинг асосий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш зарурлигини эълон қилган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганнинг 75 йиллигини нишонлаш кизгин давом этмоқда. Юртимиздаги ушбу тадбирлар қарвонига 2022 йил декабрь ойида бўлиб ўтган



Самарқанд Глобал форуми кенг йўл очди.

БМТ Бош Ассамблеясининг резолюциясига мувофиқ, 1948 йил 10 декабрда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганидан сўнг халқаро ҳамжамият инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини эътироф этди.

Сўз, ахборот ва матбуот эркинлиги – инсоннинг асосий ҳуқуқларидандир. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон

декларациясининг 19-моддасига мувофиқ, "Ҳар бир инсон эътиқод эркинлиги ва уни эркин ифода қилиш ҳуқуқига эга; бу ҳуқуқ ҳеч бир тўсиқсиз ўз эътиқодига амал қилиш эркинлигини ҳамда ахборот ва ғояларни ҳар қандай восита билан, давлат чегараларидан қатъи назар, излаш, олиш ва тарқатиш эркинлигини ўз ичига олади".

(Давоми 3-бетда) ▶

Қонун кўмаги

Ноқонуний қарор



суд
тартибида
бекор
қилинди

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Масалан, Данғара туманига 2020 йил февраль ойига қадар раҳбарлик қилган Саидмурод Аминжонов (исм-шарифлар ўзгартирилган) шахсий манфаатини қонун талабидан устун қўйиб, ҳокимлик захирасидаги хизмат уйини ўзининг номига расмийлаштириб олади.

Яъни туман ҳокимнинг 2022 йил 26 декабрдаги қарорига биноан, "Пишқарон" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда жойлашган, фойдаланишдаги майдони 393 метр квадрат, қурилиш эгаллаган майдони 139,45 квадрат метрдан иборат уй ва бино-иншоотларга С.Аминжоновнинг мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи эътироф этилади.

Хўш, бу қарор қонун талабига мосми?

Йўқ, албатта. Чунки Президентимизнинг 2021 йил 8 июнда имзоланган "Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига асосан 2021 йил 1 августдан эътиборан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ер муносабатларида оид бир қатор ваколатлари бекор қилинган. Аниқроқ айтганда, туман ҳокимининг ер муносабатлари юзасидан қарор, фармойиш ёки бошқа тўғрисидаги ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқи ҳамда ер участкалари бўлган ҳуқуқларни белгилаш, эътироф этиш, ўзгартириш, бекор қилиш билан боғлиқ ваколатлари бекор қилинган.

Мазкур тартиб 2021 йил 16 августда қабул қилинган "Ер участкаларини ажратиш ва улардан фойдаланиш, шунингдек, ерларни ҳисобга олиш ва давлат ер кадастрини юритиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунда ҳам ўз ифодасини топган. Бироқ туман ҳокими бу қонуний талабларга зид равишда қарор қабул қилган.

Албатта, ёпиқлик кетмайди, орадан кўп вақт ўтмай аниқланган Данғара тумани адлия бўлими 2023 йил 4 январь куни алдоқ хати орқали туман прокуратурасига хабар беради. Шу боис туман прокурори Фарғона туманлараро маъмурий судига ариза шикоят билан мурожаат қилиб, туман ҳокимининг юқоридаги қарорини ҳақиқий эмас, деб топишни сўради.

Айтиш керакки, Маъмурий

суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 189-моддасига мувофиқ, суд устидан шикоят қилинаётган қарор ёки унинг айрим қисмлари ёхуд ҳаракатлар ё ҳаракатсизлик қонун ҳужжатларига зид эканини ҳамда аризада қўйилган ҳужжатлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузаётганини аниқласа, қарорни ёки унинг айрим қисмларини ҳақиқий эмас ёхуд ҳаракатларни ё ҳаракатсизликни қонунга хилоф деб топиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилади.

Бинобарин, Фарғона туманлараро маъмурий суди ана шу асосларга таянган ҳолда Данғара тумани прокурорининг ариза шикоятини қааноатлантирди. Туман ҳокимининг 2022 йил 26 декабрдаги қарорини ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилди.

Суд туман ҳокимлиги зиммасига йўл қўйилган қонунбузилиш ҳолатини бартараф этиш ва ҳал қилув қарорининг ижроси тўғрисида суд ҳамда аризадаги суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан бир ой муддат ичида хабар бериш мажбуриятини юкллади. Натижада туман ҳокимининг 2023 йил 28 мартдаги қарорига асосан юқоридаги қарорнинг қарор бекор қилинди.

Яна бир гап. Афсусларли томони шундаки, судда маъмурий ишни кўриш жараёнида туман ҳокимлиги ҳуқуқшуносининг ўз ишига масъулиятсизлик билан қароши ҳам аён бўлди. Аниқроқ айтганда, туман ҳокими ўзининг ҳақиқий эмас деб топилган қарорига Ер кодексининг 19-моддаси ва Фуқаролик кодексининг 187-моддасини асос қилиб келтирган.

Аслида 2021 йил 16 августдаги "Ер участкаларини ажратиш ва улардан фойдаланиш, шунингдек, ерларни ҳисобга олиш ва давлат ер кадастрини юритиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунда ҳам ўз ифодасини топган. Бироқ туман ҳокими бу қонуний талабларга зид равишда қарор қабул қилган.

Солижон ҚУРБОНОВ,
Фарғона туманлараро маъмурий суди раиси

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қирқ иккинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Шу муносабат билан мазкур қонунга ички ишлар органларига наркологию касалликларга чалинган шахсларни мажбурий даволашга юбориш тўғрисидаги материалларни расмийлаштириш ваколати берилишини, шунингдек, мазкур материалларни тайёрлаш тартиби белгиланишини назарда тутувчи тегишли ўзгартишлар киритилмоқда.

Яна бир киритилаётган қўшимчалардан бири фуқароларнинг наркологию текширувдан ўтказилишини, маслаҳат берилишини, таъхис қўйилишини, наркологию касалликларга чалинган шахсларнинг амбулатория ва стационар шароитларида даволишини ҳамда тиббий-ижтимоий реабилитация қилинишини давлат кафолатлаши белгилаб қўйилмоқда.

Бундан ташқари, наркологию касалликка чалинган шахсни мажбурий даволаш зарурияти-

ни аниқлаш билан боғлиқ барча клиник текширувлар наркологию диспансерининг ўзидан, зарур ҳолларда эса тегишли мутахассислар мавжуд бўлган бошқа тиббиёт муассасаларида ҳам ўтказилиши ҳақидаги норма киритилмоқда.

Сенаторларнинг фикрича, ушбу қонунни қабул қилиниши наркологию касалликларга чалинган шахсларни мажбурий даволашга юбориш ташаббуси билан чиқадиган шахслар доирасини кенгайтиришга, хуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олишга ҳамда наркологию ёрдам кўрсатиш сифати ва самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Ялпи мажлисда "Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг фаолияти янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатла-

рига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун ҳам кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда давлат молиявий ресурсларининг самарали бошқарилиши, бюджет маблағларидан мақсадли ва оқилона фойдаланилиши устидан давлат молиявий назорати тизимини такомиллаштириш, шунингдек, қонунчилик ҳужжатларининг ижроси самарали ташкил этилишини таъминлаш юзасидан тизимли чоралар кўрилувмоқда.

Шу билан бирга, бугунги кунда Ҳисоб палатаси фаолиятининг очикилиги ва шаффофлигини ошириш, амалга ошириладиган назорат тадбирларининг мақсадлари ва тартибини белгилаш, шунингдек, давлат харидлари соҳасидаги қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширишда Ҳисоб палатасининг вазифаларини аниқлаштириш зарурати дол-

зарб аҳамият касб этмоқда.

Шу муносабат билан ушбу қонунда Ҳисоб палатасига оз миқдорда талон-тороғ қилинганлиги ва давлат харидларининг давлат молиявий назорати органларига эса оз миқдорда талон-тороғ қилинганлиги учун маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида баённома тузиш ваколатларини бериш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, Ҳисоб палатасининг ўз иш режалари, молиявий ҳуқуқбузарликлар ва уларни бартараф этиш натижалари тўғрисидаги маълумотларни ўзининг веб-сайтига жойлаштиришга ҳамда жамоатчиликни ўз фаолияти ҳақида ҳар чорада хабардор қилиб боришга доир мажбуриятларини назарда тутувчи ўзгартишлар киритилмоқда.

Бундан ташқари, Ҳисоб палатаси томонидан амалга ошири-

ладиган назоратнинг шакллари ва турлари кенгайтирилиб, тафтиш, текшириш ва ўрганишга оид назорат тадбирларининг фарқли томонлари очиб берилган ва уларни амалга ошириш механизмлари ҳуқуқий жиҳатдан муштамакланган.

Ўз навбатида, Сенат аъзолари томонидан қонун муҳокамаси жараёнида киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар Ҳисоб палатасининг фаолиятини тўғри ташкил этиш, бюджет маблағлари устидан тизимли назорат ўрнатиш самарадорлигини янада оширишга хизмат қилиши қайд этилди.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қирқ иккинчи ялпи мажлисининг биринчи иш куни якунланди.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати
Ахборот хизмати

Моҳият

Жаҳон бозорига сифатли маҳсулот чиқариш

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилаётган ўзгартиришлар шу муҳим мақсадга қаратилган

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Яъни мувофиқликни баҳолаш қодаларини мувофиқликни баҳолаш органлари томонидан бузганлик, агар бу техник регламентлар талабларига жавоб бермайдиган маҳсулот чиқарилишига ёки мувофиқликни баҳолашнинг амалга ошириш учун маҳсулотни тақдим этган жисмоний ёки юридик шахсга зарар етказилишига, шу жумладан, мувофиқлик сертификати беришни асосиз равишда рад этганлик, мувофиқлик сертификاتининг ёхуд мувофиқлик тўғрисидаги декларациянинг амал қилишини асосиз равишда тўхтатиб турганлик ёки тугатганлик натижасида фойданинг бой берилишига олиб келадиган ҳаракати ё ҳаракатсизлиги учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги кучайтирилмоқда.

Бунда ушбу ҳуқуқбузарликлар учун мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан қирқ бараваригача миқдорда жарима тарзидаги маъмурий жавобгарлик белгиланмоқда.

Агар ушбу ҳуқуқбузарлик бир йил

давомида такрор содир этиладиган бўлса, жарима базавий ҳисоблаш миқдорининг қирқ бараваридан саксон бараваригача миқдорни ташкил этади.

Мисол учун 2022 йилда 47 та мувофиқликни баҳолаш идораси томонидан расмийлаштирилган 186 та ҳужжатлар тўплами таҳлил этилган. Натижада 179 та ҳолатда номумувофиқликлар аниқланган ва айни ҳолатлар юзасидан 48 нафар масъул шахсга нисбатан маъмурий чоралар кўрилган.

Лекан амалдаги қонунчиликда белгиланган жарималар миқдори жуда камлиги, яъни базавий ҳисоблаш миқдорининг энг кўпи билан 10 бараваригача миқдорда қўлланиши бу ўринда кутилган самарани бермапти. Шу боис эндиликда янги қонун билан жарима миқдорининг энг кўп миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг 80 бараваригача оширилмоқда.

Шу билан бирга, қонунда техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология ва сертифи-

катлаштириш соҳаларидаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг тааллуқлиги масаласига ҳам аниқлик киритилмоқда.

Яъни техник регламентлар ёки стандартларнинг мажбурий талабларига, метрология ва сертификатлаштириш қодаларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширувчи органлар номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ҳамда жарима солиш тарзидаги маъмурий жазо чораларини қўллашга.

биринчидан, техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, мувофиқликни баҳолаш ва метрология соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя этилишини таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош давлат инспектори ва унинг ўринбосарлари – базавий ҳисоблаш миқдорининг саксон бараваригача миқдорда;

иккинчидан, техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, мувофиқликни баҳолаш ва метрология соҳасидаги қонунчилик талабларига

риоя этилишини таъминлаш бўйича давлат инспекторлари – базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваригача миқдорда жарима солишга ҳақлидир.

Хулоса ўрнида айтганда, ушбу қонун мувофиқликни баҳолаш қодаларини бузилишининг олдини олишга, шунингдек, техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш органларининг мансабдор шахслари томонидан содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Шунингдек, ушбу қонуннинг қабул қилиниши Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо бозорига сифатли маҳсулотлар чиқариш билан боғлиқ муҳим жараёнларга ҳам бевоқиф бўлишига хизмат қилади.

Фарҳод БОҚИЕВ,
Олий Мажлиси Сенати Ахборот
сиёсати ва давлат органларида
очикликни таъминлаш масалалари
қўмитаси раиси ўринбосари

Ўтган йили Пастдарғом тумани "Эсабой" маҳалласида мудҳиш қотиллик рўй берди. Ушбу маҳаллада яшовчи фолбин аёл ва унинг қизи ўлдириб кетилди. Марҳума Гулсум Асророва ва қизи Сарвиноз Келдибекова (исм-шарифлар ўзгартирилган) ўтқир тиғли жисм зарбасидан олган жараҳатлари туфайли ҳаётдан кўз юмган эди.

Албатта, ушбу қотиллик бўйича зудлик билан тезкор гуруҳ тузилиб, суриштирув ишлари бошлаб юборилди. Дастлаб қурбон бўлганлар ҳақида маълумотлар тўплади, уларнинг шахси, касб-корига ойдинлик киритилди. Бироқ калаванинг учини топиш осон кечмади.

Шундай қулларнинг бирида кутилмаганда "фолбин билан қизини ўлдириб кетган жиноятчилар топилди", деган хабар тарқалди. Аслида бу изкуварлар томонидан жиноятни очиш мақсадида атай ўйлаб топилган ҳийла эди. Чунки Г.Асророва ва С.Келдибековага тегишли қўл телефонлари ҳам босқинчилик йўли билан олиб кетилган бўлиб, улар ёрдамида жиноятни очиш эҳтимоли кўзда тутилганди.

Режалаштирилган ҳийла иш бериб, орадан ўттиз саккиз кун ўтгач, қўшни маҳаллада яшовчи Норқўзи Бердиев марҳума С.Келдибековага тегишли телефон аппаратидан фойдаланаётгани аниқланди. Шундан сўнг калаванинг учу топилди.

Маълум бўлишича, 2021 йилнинг июнь ойида уйланган Н.Бердиевнинг хотини ҳомиладор бўлавермагач, эр-хотин ўртасига совуқчилик тушди.

– "Эсабой" маҳалласида бир фолбин аёл бор эмиш, – дейди бир куни Н.Бердиев хотинига, – уйига бориб, фол очириб кел.

Шунда хотини фолбин аёлни яхши танишини, у узок қариндош эканини айтиб, боришни рад этади. Табиийки, бундан жаҳли чиққан Н.Бердиевнинг ўзи Г.Асророванинг яшаш уйига бориб, кейинги вақтда бошидан ўтаётган ҳодисаларнинг барчасини оқимзай-томизмал сўзлаб беради ва ундан ёрдам сўрайди.

Нотинч оиланинг азият чекаётга-

ни сабабларидан воқиф бўлган айёр фолбин аёл "яқин қариндошларингиздан бири дуо қилдирган", дея фол очади. Сўнг қандайдир дуоларни ўқиб, бир идишга махсус "дам" солинган сув тайёрлаб беради. Уни уйга сепса, хотини ҳомиладор бўлишини айтиди.

– Лекин дуони қайтарма қилмаса, балодан қутулмайсиз, – дейди у ваҳима қилиб. – Бунинг учун менга 200 АҚШ доллари беришингиз керак.

Н.Бердиев фолбиннинг гапларини хотинига етказганида у ҳам бунга

ишонади. Устига устак, орадан кўп вақт ўтмай, у ҳомиладор бўлади. Бу эр-хотиннинг фолбин хотинга бўлган ишончи янада оширади. Н.Бердиев фолбин аёлга хушхабарни айтиб, айни пайтда пули йўқлиги, тез орада олиб келиб беришга ваъда беради. Аммо фолбин аёл бунга эътироз билдиради ва "хизмати" учун яна 500 АҚШ долларини талаб қилади. Агар пулни олиб келмаса, эр-хотин ва гумонанинг ҳаётига ҳавф туғдиришини билдиради. Ноиллож қалаган Н.Бердиев таниш-билишларидан қарз сўрайди. Аммо пул тополмасдан яна фолбин аёлнинг олдига бош эгиб боришга мажбур бўлади.

– Пулингиз бор-йўқлиги билан ишим йўқ, – дея жавоб қилади Г.Асророва, – Қачон 700 АҚШ долларини топиб келсангиз, ҳаммаси изга тушади. Акс ҳолда ҳаммаларинга қийин бўлади...

Бу гапни эшитгач, Н.Бердиев бутунлай эс-хушини йўқотади. Бир неча кун ўзига кеполмай юради. Бироқ 700 АҚШ долларини топишнинг иложини қилолмайди. Шунда Н.Бердиевнинг кўнглида ёвуз ният пайдо бўлади: "Гулсум фолбинни ўлдиришим керак, акс ҳолда у бизни ўлдиради".





Тарих тилсимлари

«Назири йўқ киши»



ёхуд Бобур Мирзонинг Алишер Навоийга таърифиди

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Хазрат Алишер Навоий вафот этганида Бобур Мирзо хали 18 ёшга тўлмаган йигит бўлиб, у аллақачон тахтага ўтириб, Самарқандни икки маротаба қўлга киритган эди. Алишер Навоий Бобур Мирзо ҳақида эшитган, билган бўлиши мумкин. Аммо унинг асарларида Бобур Мирзо номи учрамайди.

Бунинг акси ўлароқ Бобур Мирзо буюк шоир ҳаёти ва ижоди ҳақида қимматли маълумотларни ёзиб қолдирган. Ёшлигидан Алишер Навоий шахси ва ижодига катта меҳр-муҳаббат билан ўлғайган шоир «Бобурнома» асарида унинг номини қуйидаги сингари 16 марта тилга олган: «Алишербек назири йўқ киши эди. Туркий тил била то шеър айтувчулар, ҳеч ким онча кўп ва ҳўп айтгон эмас... олти маснавий китоб назм қилибтур, беш «Хамса» жавобида, яна бир «Мантик-ут тайр» вазнида «Лисон-ут тайр» отлик. Тўрт ғазалиёт девони тартиб қилибтур: «Ғаройиб ус сигар», «Наводир-уш шабоб», «Бадойи-ул васат», «Фавоид-ул кибар» отлик».

Бундан ташқари Бобур Мирзо Алишер Навоийнинг мусиқа илми-

дан хабардорлиги, адабиёт ва санъатга ҳомийлик қилганини қайд этган: «Аҳли фазл ва аҳли хунарга Алишербекча мураббий ва мунаввий маълум эмаски, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлмай. Устоз Қўлмуҳаммад ва Шайхи Нойи ва Хусайн Удийнинг созда саромад эдилар, бекнинг тарбият ва тақвияти била мунча тараққий ва шуҳрат қилдилар. Устоз Бехзод ва Шоҳ Музаффар тасвирда бекнинг саъй ва эҳтимоли била мундоқ машҳур ва маъруф бўлдилар. Мунча бинойи ҳар ким, ул қилди, кам киши мундоқ муваффақ бўлмиш бўлмай».

Қўллаб тарихий манбаларда Алишер Навоий илм-фан, санъат ва адабиёт аҳлига катта эътибор қаратгани ҳам Бобур Мирзо фикрларини тасдиқлайди.

Бобур Мирзо Алишер Навоийнинг феъл-атвори ҳақида сўз юритаркан, кўнгли ўта нозик, ҳассос, назокатли инсон бўлганини қайд этган: «Эл назокатини давлатининг гурурини тасаввур қилур эдилар. Андоқ эмас экандур, бу сифат анга жибилли экандур. Самарқандда эканда ҳам ушмукдоқ нозук мижоз экандур».

Тарихий манбаларда Алишер На-

воийнинг ўта нозиктаъб, диди юкори инсон бўлгани қайд этилган. Зайниддин Восифийнинг ёзишича, бир кун шоирнинг тоби қочиб қолади. Бир гуруҳ дўстлари уни кўргани келишади. Аммо беморни уринтириб қўймазлик учун унга индамасдан ўзлари сўхбат қилиб ўтираверишади. Бундай эътиборсизликни қабул қилолмаган шоир «демак, уйим сизга ошхона-ю, мен оддий ошпаз эканман-да» дея таъна қилади.

Ана шу нозик дид улуғ шоирнинг бетакрор асарлари учун йўл очган, тамал тоши бўла олган. Алишер Навоий Самарқандда, оддий талаба бўлиб юрган пайтида ҳам нозиктаъбига билан одамлар эътиборини қозонган.

Бобур Мирзо берган маълумотга кўра, Алишер Навоий подшоҳи азиздан бериладиган маошдан воз кечган. Ўзи тез-тез подшога моддий жиҳатдан ёрдам бериб турган.

Алишер Навоий ўз даврининг энг бадавлат кишиларидан бўлган. Унинг бир кунлик даромади ўн саккиз минг динарга тенг эди. Ана шу даромадлар ҳисобидан шоир Хуросоннинг қўллаб шаҳарларида мадраса ва мактаблар, ҳаммом ва кўприклар, хонақоҳ ва шифохона-

лар қурган. Эҳтиёжманд кишилар учун хайр-эхсон қилган, талабалар, ижодкорларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаган.

Бобур Мирзо Алишер Навоийнинг жуда кўп ғазалларини ёд билган. «Бобурнома»даги 1499-1500 йиллар воқеалари баёнида у руҳиятида вужудга келган безовталикни «Гоҳи телбалардек ёлғуз пушта ва даштқа борур эдим. Гоҳи богот ва маҳаллотни кўча-бақўча ахтарур эдим. Не юрумукта ихтиёрим бор эди, не ўлтурмокта, не бормокта қарорим бор эди, не турмокта» дея тасвирлар экан, Алишер Навоийнинг бир байтини мисол келтиради:

Не борурга қувватим бор,
не турарга тоқатим,
Бизни бу ҳолатқа сен қилдинг
гирифтор, эй кўнгул.

Умуман, Бобур Мирзонинг қўллаб ғазаллари ва рубойларида Алишер Навоийдан баҳрамандлик яққол сезилиб туради. Бу Захириддин Муҳаммад Бобур Алишер Навоий ижодига алоҳида эътибор ва чекиз ҳурмат билан қараганидан далолатдир.

Рустам ЖАБОРОВ,
филология фанлари бўйича
фалсафа доктори

1903 йил июнь ойида бутун дунёга машҳур «Ford Motor» компаниясига асос солинган. Бугунги кунда 183 минг нафардан зиёд ходим ишлаётган гигант компания америкалик иxtирочи тадбиркор Генри Форд томонидан 28 минг доллар эвазига ташкил этилган. Қуйида шу ҳақда ҳикоя қиламиз.

Қизиқарли фактлар

АВТОМОБИЛСОЗЛИК «ҚИРОЛИ»



ёхуд 120 йиллик

«Ford Motor» тарихи

Ирландиялик муҳожирлар оиласида туғилган Генри Форд ўн олти ёшидаёқ Детройт шаҳридаги заводлардан бирида ишлаб бошлайди. Тиришқоқ ўсим ўқиш ва изланиш ортдан оддий ишчиликдан инженерликкача бўлган йўлни босиб ўтади. У ишдан бўш вақтида мустақил равишда автомобиль ясашга муваффақ бўлади. Ўз компаниясига асос солган, «Ford A» русумли автомобильни ишлаб чиқаради. Бирок у унчалик оммалашмайди. Орадан беш йил ўтган, анча такомиллаштирилган «Ford T» русуми компанияга машҳурлик келтиради. 1910 йилда ўша даврлар учун энг яхши бўлган «Хайленд парк» заводи ишга туширилади. Форд ушбу заводда илк бор конвейер имкониятларидан фойдаланиб, генератор йиғишга муваффақ бўлади. Кейинчалик бу ерда двигател йиғиш ҳам йўлга қўйилади. Ушбу усул нафақат автомобилсозлик, балки санъат соҳасида катта бурилиш ясади.

Генри Форд тарихда илк бор ишчиларга ҳам қўшимча маблағ тўлаган тадбиркор ҳисобланади. У бу орқали ҳар бир ишчини манфаатдор ҳамкорга айлантирган. 1914 йилда мамлакатдаги уртача кўрсаткичдан икки баравар кўп бўлган кунига беш доллар соатилик иш ҳафтасини жорий қилади. «Паст иш ҳақи ишчидан аввал корxonани хонавайрон қилади», деган фикрга қатъий амал қилган тадбиркор ишчиларнинг ахлоқи ва оилапарварлигига алоҳида эътибор берган.

Генри Форд бой-бадавлат бўлишига қарамай ниҳоятда тежамкор ва камтарин ҳаёт кечирган. Бу фазилатлари билан у ҳаммани ҳайратлантирган. Айтишларича, Англияга иш билан борган тадбиркор аэропорт маъмуридан шаҳардаги энг арзон меҳмонхона ҳайсилигини сўрайди. Ходим бутун дунёга машҳур бўлган инсоннинг эскирган плаш кийиб олганидан ҳайрон бўлиб, ишонқирамай сўрайди:

– Мен янгиларни кўзатиб бораман ва биланманки, ўғлингиз қаерга келса ҳам доим энг яхши меҳмонхоналарда турар экан ва ҳар доим ажойиб кийинган бўлади. Сиз эса, энг арзон меҳмонхона ҳақига сўраб, ёши ўзингиздан ҳам каттароқ кўринадиган плаш кийиб юрибсиз. Сиз миллиардер бўлатуриб пул тежайсизми? Генри Форд унга шундай

жавоб беради:
– Менга қиммат меҳмонхонада қолиш шарт эмас. Қарда бўлсам ҳам мен Генри Фордман. Яна мен меҳмонхоналарда катта фарқни кўрмайман – энг арзон меҳмонхонада ҳам энг қиммат меҳмонхонадан ёмон дам олмайсиз. Плашга келсак, уни отам ҳам кийган. Лекин бу муҳим эмас, чунки бу плашда ҳам мен Генри Фордман. Ўғлим ҳали ёш ва тажрибасиз, шунинг учун арзон меҳмонхонада қолса, одамлар нима деб ўйлашадан кўради. Бошқаларнинг мен ҳақимдаги фикри ташвишга солмайди, мен ўз кадр-қимматимни биламан. Мен пулни санаш ва ҳақиқий нарсаларни сохталаридан ажрата оламан.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, машҳур тадбиркор фақат автомобилсозлик билан чекланмаган. У икки жаҳон уруши даврида газга қарши ускуналар, танк ва сувости кемаларини ишлаб чиқарган. Бундан тушган фойдани давлат хазинасига ўтказгани тадбиркорнинг обрўсини ниҳоятда ошириб юборади. Узоқ умр кечирган Генри Форд 1945 йилда ўз ваколатларини набираси Генри Форд IIга топширади.

Генри Форд вафот этган, унинг меросини асраб қолиш осон бўлмайди. Айниқса, жаҳон автомобил бозорларида Япония маҳсулотлари пайдо бўлган, компания иши орқага кетади. 1970-йилларда компания ўз кўрсаткичларини бой бери бошлади. 1980-йилда 1,54 миллиард доллар зарар кўради. Кейинчалик «Mazda» ва «Kia Motors» компаниялари билан ҳамкорлик йўлга қўйилиб, «Ford Mustang», «Ford GT» русумли пойга автомобили энг харидориги маҳсулотга айланади. Шунингдек, мактаб ўқувчиларини ташишга ихтисослашган автобуслар ҳам компанияга яхши даромад келтиради.

2019 йилда Германиянинг «Volkswagen» компанияси билан глобал иттифоқ тузиб, авиация тизимларини ишлаб чиқарган компания катта даромад топди. 2021 йилда компания 3,942 миллион донга автомобиль сотишга муваффақ бўлди. Бу жаҳон автомобил бозоридаги улушнинг 5,1 фоизига тенг бўлиб, сулолавий компаниянинг салоҳияти ҳамон юқори эканини кўрсатади.

Интернет материаллари асосида Хумоюн МИРЗО тайёрлади.

Имтиёзли банк кредитлари асосида чорва молларини сотиб олиш оила даромадининг ўсиши ва аҳолининг чорва молларига бўлган талабини қондиришга катта ҳисса қўшаётгани айтиш мумкин. Бироқ банк кредитларидан фойдаланишда давлат томонидан яратилаётган имкониятларни суиистеъмол қилиб, алдов йўли билан қинғир ишларга қўл уратган кимсаларнинг ҳам борлиги таассуфли ҳолдир. Буну қуйидаги ҳаётий мисолда ҳам кўриш мумкин.

Ғузорлик Низом Ибодов (исм-шарифлар ўзгартирилган) оилавий чорвачилик билан шуғулланиш мақсадида туман ҳокими ёрдамчисининг тавсияси билан тегишли ҳужжатларни тайёрлаб, «Халқ банки»нинг Ғузор тумани филиалига борганида «IDEAL PLYUS TOMORQA SERVIS» корхонаси раҳбари Санжар Ризаевни учратиб қолади. У қўшни республикадан қорамол ва қўй олиб келиб, уларни кредит асосида аҳолига тарқатаётганини айтади. Бу Н.Ибодов учун айтиш мумкин. У шу захотиёқ С.Ризаевдан турмуш ўртоғи Лобар Ҳакимова номига 6 миллион сўмлик чорва кредитига қўй беришни илтимос қилади. Орадан уч кун ўтган, кредит расмийлаштирилиб, Н.Ибодов таъминотчидан 4 бош қўйни олиб кетади.

Муаммонинг осон ҳал бўлганидан руҳланган Н. Ибодов яқин қариндошлари-га ҳам банк кредити асосида

Жиноят ва жазо

ҚИММАТГА тушган алдов

суд
фирибгарга
қонуний
жазо
тайинлади

32 миллион сўмлик чорва молларини олиб беради. Шу аснода у С.Ризаев ва бошқаларнинг ишончига кира бошлайди.

Иш шу даражага бориб етадики, С.Ризаев Н.Ибодовга чорва молларини эмин-эркин сотишга рухсат беради. Аммо Н.Ибодов бундан қинғирлик мақсадида фойдаланади. У С.Ризаев хизмат сафари билан хорижда юрган пайтида номаълум шахсларга 175 миллион сўмлик 26 бош қорамол ва 14 бош қўйни бериб юборади ҳамда пулини тез орада тўлашга ваъда беради.

Афсуски, орадан ойлар ўтса-да, Н. Ибодов ушбу

маблағни корхона ҳисоб рақамига тушириб бермади. Бу орада таъминотчи бир неча бор банк идораси ва Н.Ибодовнинг уйига қатнаб, овора-ю сарсон бўлади.

Аввалига ўзини ишончли одам қилиб кўрсатган Н.Ибодов аслида фирибгар бўлиб чиққани ва ўзини «чув» туширганини англаб етган С.Ризаев охир-оқибат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорага ариза билан мурожаат қилишга мажбур бўлади.

Суриштирув ва тергов асносида фирибгарликнинг обдон ҳадисини олган Н.Ибодов 175 миллион сўмдан ташқари корхона ҳисоб рақамига ўтказиб бериш

баҳонасида қариндошларидан олган маблағнинг 28 миллион сўмини ҳам шахсий эҳтиёжи учун сарфлаб юборгани аниқланади.

Суд Н.Ибодовни фирибгарлик жиноятини содир этганликда айбдор деб топиб, унга нисбатан озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлади. Бундан ташқари жабрланувчи С.Ризаевнинг фойдасига 203 миллион сўм маблағ солидар тартибда ундириладиган бўлди.

Нафс кутқусига учиб, эгри йўлни танлаган Н.Ибодов шу тариқа қилмишининг ҳам моддий, ҳам маънавий жабрини тортди. Аммо чорва кредитини ажратилган маъсул бўлган

банк маъмурияти, ҳокимият маъсуллари ҳамда бошқаларнинг хатти-ҳаракатини ҳам оқлаб бўлмайди. Чунки лоқайдлик, «сен менга тегма, мен сенга» қабилда иш тутиш оқибатида ана шу жиноят содир этилган. Бинобарин, ҳаётда Н.Ибодов сингари фирибгарларнинг учраб туриши барчани теварак-атрофда кечаётган нохуш ҳодисаларга нисбатан огоҳ бўлиб яшашга ундайди. Ана шундагина турли жиноятларнинг олди олинади.

Лазиза РАСУЛОВА,
жиноят ишлари бўйича
Ғузор тумани суди раиси
Абдунаби БОБОЁРОВ,
«Куч-адолатда» мухбири

Куч — адолатда

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 0224-рақам билан
руйхатдан ўтган.



ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Бахтиёр ИСЛАМОВ
Робохон МАХМУДОВА
Халилилло ТУРАХУЖАЕВ
Икрам МУСЛИМОВ
Шухрат ПОЛВАНОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Азиз АБИДОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Саҳифаловчи:

Шерзод
ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида офсет усулида босилди.
Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзиллари: 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, 6-уй, Тел.: 71 273-72-29 E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Нашр индекси: яқна тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.
Буюртма: Г-165 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ.
Сотувада эркин нарҳда. Адади: 6880
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 21⁰⁰. Топширилди: 22⁴⁵.